

ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

№ 203 (5194).
7 СЕНТЯБРЬ 1983 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1986 йил
1 июдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТНИНГ БИР КУНИ

• Юсак мукофот илҳомлантирмақда • Ўзбекистон пойтахти юбилей тантаналарига тайёр • Меҳнат зафарларимиз — юбилейга совға

ТЮМЕНГА СОВҒА

Тюмендаги юз километрлик автомобиль йўли... Тошкентдан тайёрланди. Қўйиқ темир-бетон конструкциялар заводнинг коллективни мундтадан тўрт ой аввал 1 сентябрда кутб бўйлаги олис Нох посёлкига арматурали плиталар юборди. Бу плиталар шу автострадининг сўнгги метрларига ётқизилади.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ КЕЧА

Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида «Тошкент — Ўзбекистон ССР пойтахти» кўргазмаси очилди. Бу кўргазманинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Қозимов, олимлар, ёзувчилар ҳозир бўдилар. КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси Г. А. Кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Тошкент совет халқларининг бузилмас биродарлигини ўзида намойён этувчи буюк монумент каби абадий тураверди» деган сўзлари Ленин ордени билан тақдирланган Тошкентнинг 2000 йиллик бўсағасида шахримизнинг фазилининг ифодалаш турибди.

Менинг она шахримнинг Ленин ордени билан мукофотлангани кичкина чексиз қувонч бағишлайди. Партия ва ҳукуматимиз, она-Ватан тошкентликларнинг революцион ҳаракатга, Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонишида катта ҳисса қўшганлиги, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан хўжалик ва маданият қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларини дарҳақиқат юксак қадрлайди.

МАШИНАСОЗ СЎЗИ

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент авиасозлари, айниқса фидокорона меҳнат қилишди. Подмосковьедан эвакуация қилинган корхонани улар қисқа муддатларда тиклаб, транспорт самолётлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдилар. Тошкентликлар фронтга бир неча мингта жанговар машина етказиб беришди.

Кемалари мамлакат ва республика халқ хўжалигини ривожлантириш ишида катта роль ўйнади. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш тақомиллашганининг бир нечта янги маркалари ишлаб чиқарилди. Булар айни пайтда ҳақиқат равишда Ватан самолёт-созилигининг фахри саналади.

Кадрлар етказиб беришнинг устaxonасига айланди. Корхонада «Меҳнат унвондорлигини ошириш эвазига ўн биринчи беш йиллик топширигини 3,5 йилда бажаримиз», «Профгруппада меҳнат интизомини бузувчи биронта ҳам ишчи бўлмасин!» ҳаракати кенг қўл очилган.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил), июнь (1983 йил) Пленумлари қарорларини шараф билан бажаришда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи арафасида саниқ йиллик план-топшириқлар мундтадан илгари муваффақият билан бажаришди.


Сак унвондорлик билан меҳнат қилишга, беш йиллик топшириқлари бажаришга катта ҳисса қўшишга, шунингдек Ватанимизни экономикаси ва мувоафак кудратини ошириш ишида фидокорлик кўрсатишга астойдил бел боғлашган.



БАЙРАМНИ ҲАММА ЭСЛАБ ҚОЛАДИ

Ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлашга тараддул кўраётган Тошкент шаҳри байрам либосида. Тантаналарга санокли кунлар қолди. Бугунги байрам қиёфасидаги кўчалар ва кварталлар жамолида биз жонжон шаҳарларнинг чексиз севадиган юз мингта тошкентликларнинг меҳнати самарасини кўраёпмиз.

Оммавий ҳашарлар ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши бўлиб қолди. Ҳамшаҳарларимиз зарбдорларча меҳнат қилишди, боғлар, кўчалар ва майдонларни ободонлаштириш ишларида иштирок эттишди.



Шу куннинг Харидорлар ҳақида ғамхўрлик мавзуида

Марказий универсал магазини Тошкентдаги йиринк магазинлардан бири ҳисобланади. Хар кун бу ерга 35 мингта яқин харидор ташриф буюради, товар обороти ярим миллион сўмини ташкил этади. Шаҳримизнинг бошқа кўпгина универсаллари, ихтисослашган магазинлари ва савдо корхоналарида

бўлгани сингари 1 сентябрдан бошлаб бу ерда арзон нархларда моллар сотила бошланди. Муҳбиримиз Марказий универсал магазини директори Х. Иноғомовдан нархи арзонлаштирилган товарларни реализация қилиш қандай натижалар бераётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Янги прейскурантда сотилаётган товарлар группаси сўмини ташкил этади. Бу эса бизнинг универсал магазини хизматидадан фойдаланётган барча харидорлар 296

левиזורининг нархи 160 дан 96 сўмга тушди. Жун газламалар баҳоси 30 процент, гиламлар нархи 40 процент арзонлаштирилди. Янги прейскурантда сотилаётган товарлар группаси сўмини ташкил этади. Бу эса бизнинг универсал магазини хизматидадан фойдаланётган барча харидорлар 296

миг сўмини тежаб қолишди, демакдир. Кўплар учун товарларнинг арзон нархларда сотилишининг мағзинимиз учун фойдаси борми-йўқлигини билиш қизқарганлиги айтмоқчиман: биринчи навбатда, буюмборлардаги запас

товарлар миқдорини камайтириш, демак мелдусида уларнинг турларини анчагина янгилаш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида аҳолининг зарур толи албатта. Бу ҳақда айтимоқчиман: биринчи навбатда, буюмборлардаги запас

Биз сўхбатдан сўнг савдо залларида бўлдик. Кичик сотувчи З. Ёқубжонов нархи арзонлаштирилган гилам, бодалар хоналари учун палосларни харид қилаётганларга ҳақ-қон хизмат қиларди.

— Савдониз юришиб кетди, — дейди у. — Харидорлар магазиндан тамки бўлиб чиқарилди. Ўзиниқ ўйланг, аввал 1305 сўм турадиган, Сурияда тайёрланган гиламларни харид қилишга ҳамма ҳам қўйиб эмасди. Нархи 785 сўм бўлганидан кейин уларнинг харидори кўпайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ КУНЛАРИ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ-ТИНЧЛИК ГАРОВИ»

Ўзбекистонда ўтаётган Япония кунлари маршрути Тошкентдан Самарқандга йўл олади. Меҳмонлар мейморий ёдгорликларни, янги турар жой массивларини кўздан кечирдилар. Бутуниттифок қорақўлчилик институтида бўдилар. Самар-

қанд шаҳар ижроия комитетинида сўхбат бўлиб ўтди. Шу сўхбат вақтида шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди белгилаб берган социал-иқтисодий ўзгаришлар программасини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида Япония кунлари

қатнашчиларига гапириб берилди. А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университетига Совет — Япония дўстлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари СССР ва Япония халқлари ўртасида ҳамжиҳатлигини ривожлантиришда Япония кунлари катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Делегация раҳбари, Япония Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, парламент депутати, Япония — Совет дўстлик

жамияти правлениесининг раиси Инокяма Тосияки митинг сўзга чиқиб, бундай деди: биз республикангизда бўлиб, турли ёш ва касбдаги кишилар билан учурашиб, Ўзбекистон меҳнаткашлари тинчликни истаётганликларига ишонч ҳосил қилдик. Кўрганларимизнинг ҳаммаси — бу ерда ўтмишининг маданият мероси ниҳоятда эҳтиёт қилинаётганлиги, одамларнинг меҳмондўстлиги ва меҳрибонлиги, улар истаётган болга ишонч билан қараётганликлари бизни гоҳ қойил қолдирмоқда. Со-

вет кишилари ядро уруши хавфининг олдини олиш учун қатий қураётганликларининг гувоҳи бўлдик. Япониянинг ядро ҳалокатини бошдан кечирган олдий кишилари ҳам тинчликни истайдилар. Биз ер юзиде тинчлик бўлиши учун ҳамма ишни қилишимиз лозим. Тинчликнинг гарови — халқлар дўстлигидадир.

Самарқандликлар Япония фольклор ансамблининг концертни самийини кутиб олдидилар, меҳмонлар Самарқанддан Вухорога жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Асадилла Ашрапович Хўжаев 1983 йил 6 сентябрда 64 ёшида тўсатдан вафот этганлиги ҳақида қайғу билан маълум қилдилар.

ТОШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРДА СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев кириш нутқи сўзлади. Тантанали мажлисда ЮНЕСКО Бош директори — А. М. Бю нутқи сўзлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиков, СССР Фанлар академияси Хиросолаш марказининг директори, академик А. А. Дороничин, Ўзбекистон Коммунистик партияси Хоразм об-ласти комитетининг биринчи секретари М. Қудойберганаев буюк ағлола маданиятнинг ривожланишига ўтказган жуда катта таъсир тўғрисида, СССР Фанлар академиясининг раҳбарлари, таниқли олимлар ва фан арбоблари бор эди.

Белгиланган режалар, партияимиз қарорлари янги ташаббускорликка ундамоқда. Районимиз 1983 йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақа якунларига кўра шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, касба союзлари область Совети ва шаҳар комсомол комитетининг кўмақида Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Бу бизнинг КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини изчил амалга оширмақдалар.



Пойтахт районлари: юбилейолди йўқламаси АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари ҳаётга

Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари. Байрам арафаси кунларида Акмал Икромов району кўтарини руҳда меҳнат қилди. 1977 йилда ташкил этилган энг ёш бизнинг районимиз Ленин ордени Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи зарбдор ваҳдат турбиди. Меҳнат коллективлари беш йилнинг учинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муваффақият билан астойдил бел боғлашган. Н. МАННОПОВ, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ПЕШҚАДАМ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-филиали тўқув дехида 5-разрядли тўқувчи М. Умаровани жуда яхши билишди. Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносиб кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатаётган ёш ишчи смена топшириқларини 115—120 процентдан бажармоқда. У тайёрлаётган маҳсулот юксак сифатлиги билан ажралиб туради. Комсомол аъзоси ўзининг зарбдорона меҳнати билан бирга коллективнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. У филиал комсомол комитетининг аъзосидир. М. Умарова тўқимачилик институтининг 5-курсда таълим олмоқда. СУРАТДА: М. Умарова. Л. Глауберзон фотоси.



ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҳисобот ва сайловлар

АКТИВЛИК ВАЗИЯТИДА

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари нихосига еттишти. 2370 партия группасида ва 1284 цех партия ташкилотларида йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу эса улар умумий сонининг 76,4 ва 50,4 процентини ташкил этади.

ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР

Ҳисобот докладларининг муҳокамаси коммунистларнинг юксак активлиги вази-ятида ўтмоқда. Масалан, агрегат заводи 20-цехининг тайёрлов участкаси йиғилишида термист А. Ювасхўжаев йиллик топшириқини Улуғ Октябрь 66 йиллигида бажариш мажбуриятини олди. Бу тақдирини шу улаштириш ишчиси А. Головенов қўллаб-қувватлади. Коммунист И. Умаров (асбосозлик заводи) йиғилишда сўзга чиқиб, аввал қабул қилган мажбуриятини қайта кўриб чиқди ва йил охиригача қўлишга сураатда 1984 йил олти ойлик топшириқини бажаришга, у билан мусобақалашаётган коммунист Х. Носиров эса йил охиригача икки йиллик шахсий планини бажа-

ришга аҳд қилди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехидан Т. Усмонова бошчилик қилаётган бригадининг партия группаси коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида шахсий тамга босиш ҳуқуқини олди ва эришши ва техника назорати бўлими ходимларининг текширувине маҳсулотларини топшириш мажбуриятини олди. Коммунист Н. Ватрушева («Малика» бирлашмасининг 1-фабрикаси цех партия ташкилоти) Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни бажаргани тўғрисида, яъни беш йилликнинг уч йили планини адо этгани ҳақида ахборот берди ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йиллик топшириқини бажариш мажбуриятини олди.

амалий қўникмаларини тезроқ ҳосил қилишга эътиборни кўчатириш зарурлигини айтиб ўтди. 4-цех гальваниги Н. Фарахова («Сред-азэлектростропарат») ишлаб чиқариш бирлашмаси) маъмуриятдан иккинчи ва учинчи сменага тайёрлов цехларидан деталлар юборишни тартибга солишни илтимос қилди. Негаки, деталлар бир маромда етказиб берилмаслиги тўғрисида муайян даражада иш вақти йўқоляпти.

Коммунист В. Борсевич («Ташсантехгазмонтаж» трестининг 1-монтаж бошқармаси) ҳисобот-сайлов йиғилишида санитария-техника ускуналарни завод ижорасига маҳсулотлар сифатини танқид қилди. Электр монтер В. Локманвич («Ўзгосэнергонадзор») тайёрлов заводдан электр сўччиликларини олишда назоратни яхшилашни таклиф этди. Коммунист Р. Шахрипов («Ташсельмаш» касба союзи комитети) ишчи завод ётоқхонасидаги манший турмуш ва дам олишни бундан ташкил этгани учун танқид қилди. Слесарь-йиғувчи Г. Мелихов эса мураббийлар совети иштини активлаштириш, ёш ишчиларга мутахассислик

«ТОШКЕНТ — ШАРҚ МАШЪАЛИ»

Ғулом Раббоний ТАБОН:

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ИЛТИМОСИГА БИНОАН



Биз сўз юртаётган бу икки шаҳар, икки мамлакат, икки халқ, икки маданият, икки социал-иқтисодий система вакили ҳисобланади. Аммо улар кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш, ҳатто бир-бирига жуда яқиндир. Тошкент тўғрисида ўз таассуротларини у ҳақдаги мақолаларимдан бирида ёзган эдим. Худди Деҳли ва Нью-Деҳли сингари Ўзбекистон пойтахти ҳам инкита бўлакка бўлинган ёки тўғриройи у 1958 йилгача шундай эди. Бир неча йил муқаддам кучли зилзила эски шаҳарни vayрон қилди. Мен бу фожиадан кейин Тошкентда бўлганим йўқ. Лекин матбуотда таъиндлани-

шича, Тошкентнинг кўп жиҳатдан худди бизнинг Деҳлининг эски девор билан ўралган жойларига ўхшаш қадимий манзаралари қаттиқ зарар кўрган. Шаҳарнинг бу икки қисми икки даврини ўз ичига олиб эътиборга олинган. Тошкент замонавий бинолари, боғлари, меҳмонхоналари, маъмурий ва жамоат бинолари билан ҳозирги замонавий шаҳарларни эслатади. Эски Тошкент ҳам қадимий давр маданияти ва архитектурасини ўз ичига олиб эътиборга олинган. Бу ерда ҳам шундоқгина кўчаларда қабоб ва бошқа таомлар тайёрлашди, чойхоналарда эса одам-

гавжум. Дунёнинг бошқа чеккаларидан келган кишиларга бу манзара қандай таъсир қилишини билмадим, лекин у хиндистонликларга жуда яқин манзарадир. У яқинда халқларимиз ўртасидаги қадимий алоқалар ҳақида эслаб туради. Бу алоқалар эса дастлабки минг йилликка қадар қадимий. Самимий бхншуаслар будда дарвешлари қиёфасида. Будданинг номасини Ўрта Осиёга келтирганлар. Бу ерда буддизм кейинчалик ислом билан алмаштирилди. Иккинчи томондан эса Ўрта Осиёдан бир-бир кетин қабилалар

Хиндистонга келиб, маданиятимизни бойитишди. Хиндистонга Британия ҳукмронлари келмасдан аввал давом этиб келган бу воқеалар халқларимизни бир-бирига яқинлаштирди. Афсуски, икки юз йиллик мустақиллик ҳукмронлиги бу соғлом жараённи узиб қўйди. Лекин бахтимизга инқилаб шайхони ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янги даври Хиндистон мустақиллиги учун оғир курашдан сўнг келган ёрдам бўлиб қолди. Бундан беш йиллик иқтисодий, маданий, илмий-техник ва бошқа соҳа-

лардаги ҳамкорлигимиз тўғрисида батафсил ўрналиб ўтиришимиз ҳужжати бўлмас керак. Булар мамлакатларимиз ва халқларимизга кўп нарса берди. Лекин қисқа бўлса-да шунинг эслатиб ўтмоқчи-манки, бу икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқлар алоқаларида янги соҳилга очди ва турли социал-иқтисодий системаларнинг тинч-тотув яшаш учун мустақилликни таъминлади. Шунинг билан бир-бирига яқин ҳамкорликнинг тинчликни мустақамлашда муҳим омил ҳисобланади. Бу эса миллионлаб кишиларнинг истаги ва

орзу-умидига мос келди. Жаҳоҳаралат Неру айтганидек, тинчлик ва озолик бир-бирига акрамлиқлига ишонамиз. Қаред бўлмасин озоликни инкор этиш бошқа бир жойда озоликка хавф солиши, можабо ва урушга олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, империалистик ва неоконфуцийчи кучлар шунга интилмоқда. Улар миллий-озодлик ҳаракатига қўйиб кўрсатиш, ёш давлатларини издан чиқариш ва энг асосийси, халқларнинг социал-иқтисодий ривожланиш йўли ва формалари бўлиши эркин танлаб олиш ҳуқуқини поймол

этишга уриномдорлар. Табиийки, бу баъзи жойларда кескинликни вужудга келтирмоқда ва уруш хавфини кучайтирмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳон халқлари ўртасида актив ҳамкорлик сибасатини кўргизиб керак. Белградда имзолаган қўшимаслик ҳаракати Декларациясида турли таъкидлаб ўтилганидек, инсоният ҳеч қачон бугунги кундагидек жиддий оқибатларга олиб келадиган уруш хавфига дуч келмаган эди. Бошқа томондан эса авваллари инсоният ҳеч қачон урушларга барҳам бериш учун бу қадар қудратли кучга эга

бўлмаган эди. Бу қудратли куч халқаро муносабатлардаги ҳамкорлик сибасатидир. Дунё турли иқтисодий системалар ҳамкорлиги учун жуда кендир. Илмий-техника револуцияси таъкидлаб фароғлиқнинг чексиз оқибатларини оқиб берибгина қолмай, турли мамлакатлар ва китъалар ўртасидаги массован шу даражада қисқартирдики, бу халқаро ҳамкорликнинг зарур қилиб қўймоқда. Ҳафтабоя, ойлаб ва ҳатто йиллаб йўл бошқилар орада қилиб кетди.



Ажойиб «Баҳор» ансамбли ўзбек шаҳри сифатининг вакили сифатида Хиндистоннинг турли шаҳарларига тинчлик ва дўстлик муқаддаслигини олиб келди. Бу ансамбль Тошкентдан Деҳлига замонавий реактив ҳаво масинада бир неча соатда етиб келди. Тарихда шундай даврлар бўлган, дунёнинг бир жойидаги можаборлар иккинчи жойига таъсир қилмаган. Лекин атом уру-

ши оқибатларининг инсоният учун, унинг муносабатлари ва орау-умидлари учун нақадар даҳшатли эканлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Фақат айтадан озган кишиларга оммавий қирғин қуроллари—ядро ва термоядро—қуролларидан стратегик мансабларда фойдаланиш ҳақида ўйлаши ёки сўзлаши мумкин. Шунинг қувона билан таъкидлаб ўтиш керакки, дунёнинг муқаддас оқибатларидан асосланган тинчлик ва тартибни сақлаб қоллишга қатъий қарор берганликларини намоян қилмоқдалар. Улар дунёнинг барча жойларида тинчликни барқарор қилиш учун бутун куч-қайратларини сарфламоқдалар. Жаҳонда содир бўладиган катта социал ўзгаришлар халқлар ўртасида тинчлик ва хавфсизлик масаласини биринчи ўринга қўймоқда. Бизнинг асримиёз улуг орау-умидлар ва улкан бунёдкорликлар асридир. Ин-

Суҳбатчи
Ю. КАТОН,
С. МИРҚОСИМОВ-
лар уюштиришган.
«Тошкент оқшоми»
учун).
Деҳли шаҳри.



ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТНИНГ БИР КУНИ




димги донишмандлар ва буюк замондошларимизга, ёзувчи ва шoirларга бўлган эҳтиром ўз ифодасини топан. Турли миллат за даврларда яшаган шoir ва ёзувчиларнинг асарлари минглаб нусхада Ўзбек тилида нашр этилган.



СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг марказий виставкалари зал; республика Фанлар академияси ядро физикаси институтининг ходими Ҳафиза Яҳёева — атом реактори ишга туширилишида иштирок этган биринчи Шарқ аёли; бахтли болалик; яқин орада Тошкентнинг икки миллионини аҳолиси тўғилиди. Эҳтимол, ана шу боланинг ота-онаси мана шу бахтли ёшлар бўлишар?

Е. Орлова ва С. Лидов («Советский Союз» журналы) фоторепортажи. «Тошкент оқшоми» учун).



Тошкент ўзининг фан, санъат, меъморийлик соҳасидаги ютуқлари билан шухрат қозongan. Шунинг учун ҳам иссиқ мамлакатлар шароитида ишлаётган шаҳарозорлар учун ўрганган арзийдиган архитектура қиёфасини назарда тутиб, «Тошкент услуби» ни тилга олади. «Тошкент руҳи» тушунчасининг пайдо бўлиши ҳам тасодифий эмас. Замонавий, сергайрат, меҳмондўст шаҳар — кўпгина халқаро конференциялар ва анжуманлар, санъат фестивалларининг марказидир. Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари ва кинематографчилари шу ерда тез-тез учрашиб туришди. Тошкентдаги уюштурушлар икки буюк китъа прогрессив ижодий кучларининг бирлашишига хизмат қилди.

Тарихий манбаларнинг далолатига кўра, XVIII асрнинг ўрталарида Тошкент тўрт асосий даҳага бўлинган. Чунинчи, Себор, Кўча, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳалари. Мазкур даҳаларнинг ҳар бирида ўзининг мустақил ҳокими бўларди. Бинобарин, Тошкент тарихида бу давр тўрт ҳокимлик даври деб аталади. Албатта ҳар бир даҳанинг ўзига яраша чегараси бор эди. Чегараланиш асосан шаҳар ўртасидаги бозордан бошланган. Шаҳар бозори эса барча даҳалар учун умумий эди. Ҳар бир даҳага ўз чегарасини шаҳар бозоридан бошлаб, шаҳар ичидан ўз чегарасига тааллуқли гузар ва маҳаллардан билан бирга, яна шаҳар ташқирисидан мавзёлари ҳам ўз ичига олар эди. Тарихий манбаларда қараганда XVIII асрнинг ўрталарида Тошкентда 154 та маҳалла ва гузар бор эди. Мазкур маҳалла ва гузарларнинг 40 га яқинига тоғича ном берилган. Булар Пуштинмамом, Падаркуш, Жангоҳ, Дегрез, Говрез, Жангоҳ, Жарқўча, Қозикўча, Мерган, Ча, Падаркуш, Хадра, Шайхонванд Тоҳур, Шўртпа — ва мавзёлардан Бўзариқ, Оққўрғон, Дархонариқ, Қўчи, Мингўриқ, Миробод, Соршўл, Шўртпа, Ялангоҳ, Шивил... Себор даҳаси бўйи.

2000 йилги нишонланётган Тошкент энциклопедияси мақсадида, фестиваллар шаҳри сифатида ҳам мазкур. Шаҳримизда мунтазам равишда ўз китъа санъаткорлари учрашиб кўзга мақбуравий курашда экран санъатининг мавқеи ҳақида фикр юритмоқдалар. Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларининг Тошкент кинофестивалига бошқа китъ-

ХАЛҚ СОҒЛИГИ—ЮРТ БОЙЛИГИ УМУМХАЛҚ ИШИ

Тошкентда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган тадбирларнинг миқёсини таъсир учун ўтиришга бир назар ташлаш кифой. Туркистон Ўласи Россияга қўшиб олинунига қадар бу ерда даволаш иши билан табиблар ва эшонлар шуғулланган. Фақатгина Россияга қўшилгандан кейин дастлабки медицина муассасалари пайдо бўла бошлади. Ушанда юз минг кишига бир врач ва бир энага тўрт киши келар, доридорлар сотиб олишга эса ўртача 200 сўм ажратиларди.

Шаҳарнинг антисанитария ҳолати ва санитария назоратининг йўқлиги туфайли юқумли касалликлар тез-тез тарқалиб турарди. Вабо, ришта, ўлат каби касалликлар аҳолини аёвсиз қирарди. Айниқса, амалда ҳеч қанақа ердам кўрсатиладиган эски шаҳар қисмида касалланганлар ва ҳалок бўлганлар сон кўп эди. 1912 йилда барча граждон даволаш муассасаларида ҳаммаси бўлиб 32 врач, 37 фельдшер, 19 акушер, 22

тин врач, ишларди. Шундай қилиб, ҳар 3 минг шаҳар аҳолисида бир врач тўғри келарди. Фақатгина Улуғ Октябр социалистик революциясидан кейин Ўлка аҳолиси соғлиқни муҳофаза қилиш аҳоли кескин ўзгарди. 1917 йил 15 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Советларнинг III съезидан Ўлка Халқ Комиссарлари Совети ташкил этилди. Медицина-санитария ишлари раҳбарлик қилиш учун 1917 йилнинг декабрида, яъни Россия Федерациясидан олдинроқ, Туркистон Ўласи Халқ соғлиқ комиссариати ташкил этилди. Тошкент ҳарбий госпитали граждон касалхонасига айлантирилди. Кейинроқ Тошкент соғлиқни сақлаш бўлими ихтиёрига қўшимча равишда собиқ қадетлар корпуси биноси берилди. Унда 600—1000 ўринли касалхона ташкил этилди. Кейинчалик у Тошкент медицина институтининг клиник базаси бўлиб қолди. 1926—27 йилларда Тошкентда учта бошлар консултацияси, ҳомилалар аёллар учун консултация,

190 ўринли 6 та бошлар боғчаси, 160 ўринли оналар ва бошлар уйи ва битта сўт маҳсулотлар ошхонаси фаслият олиб борарди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда яхши жиҳозланган ва таъминланган эвакуацион госпиталар ташкил этилди. Уларда касаллар ва ярадор жангчиларини даволаш учун барча шароит муҳайё эди. Улуғ Ватан уруши зафари якунлангандан кейин шаҳар соғлиқни сақлаш системаси янада тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Айниқса, кейинги 15—20 йил ичиде катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Пилдан йилга медицина ходимлари армияси ўсиб борди. Ҳозирги пайтда бу ерда 11 минг врач меҳнат қилади. Тошкентда 14 илмий-тадқиқот институти, икки медицина олий ўқув юрти, фармацевтика институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва учта ўрта та-

дория, эски шаҳарда эса инкита амбулатория ташкил этилди. Ҳудуде ташқари, янги шохаро касалхонасиде ва САГУнинг медицина факультети клиника хузурида амбулаториялар ишлаб турарди. Хирургия ва бошлар касалхонасиде, туғруқхона ва сил касалликлари диспансериде ихтисослашган даволаш бўлими ташкил қилинган. 1921 йилнинг охирида биринчи санитария маорифи уйи ташкил этилган эди. У йилдан йилга ўз фаолиятини кенгайтириб, аҳолининг тобора кўпроқ қисмини қамраб ола бошлади. 1927—28 йилларда соғлиқни сақлаш ортиқчилиги биринчи марта корхоналарда илк ердам кўрсатиш медицина пунктлари ташкил этишга киришилди. Бу пунктлар кутилмаган касалликлар ва бахтсиз ҳодисаларда биринчи ердам кўрсатиб қолмасдан, санитария-профилактик ва ўтадбирларини ҳам ўтаказардилар. 1926—27 йилларда Тошкентда учта бошлар консултацияси, ҳомилалар аёллар учун консултация,

ТОШКЕНТ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ? ҚАДИМГИ ШОШКЕНТНИНГ ДАҲАЛАРИ

Тарихий манбаларнинг далолатига кўра, XVIII асрнинг ўрталарида Тошкент тўрт асосий даҳага бўлинган. Чунинчи, Себор, Кўча, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳалари. Мазкур даҳаларнинг ҳар бирида ўзининг мустақил ҳокими бўларди. Бинобарин, Тошкент тарихида бу давр тўрт ҳокимлик даври деб аталади. Албатта ҳар бир даҳанинг ўзига яраша чегараси бор эди. Чегараланиш асосан шаҳар ўртасидаги бозордан бошланган. Шаҳар бозори эса барча даҳалар учун умумий эди. Ҳар бир даҳага ўз чегарасини шаҳар бозоридан бошлаб, шаҳар ичидан ўз чегарасига тааллуқли гузар ва маҳаллардан билан бирга, яна шаҳар ташқирисидан мавзёлари ҳам ўз ичига олар эди. Тарихий манбаларда қараганда XVIII асрнинг ўрталарида Тошкентда 154 та маҳалла ва гузар бор эди. Мазкур маҳалла ва гузарларнинг 40 га яқинига тоғича ном берилган. Булар Пуштинмамом, Падаркуш, Жангоҳ, Дегрез, Говрез, Жангоҳ, Жарқўча, Қозикўча, Мерган, Ча, Падаркуш, Хадра, Шайхонванд Тоҳур, Шўртпа — ва мавзёлардан Бўзариқ, Оққўрғон, Дархонариқ, Қўчи, Мингўриқ, Миробод, Соршўл, Шўртпа, Ялангоҳ, Шивил... Себор даҳаси бўйи.

Қор ёғди, Темирчи, Жарқўча, Эгарчи, Табиб кўча, Тақачи ва ҳоказолар. Айни вақтда шаҳар ташқирисиде 175 га яқин мавзёлар бор эди. Жумладан, Дархон, Ҳасанбой, Чимбой, Шофайзуллоқ, Қурвақобод, Миробод, Мингўриқ, Ялангоҳ ва Дамариқлар ва бошқалар. Мазкур мавзёларда шаҳар аҳолисининг боғлари ва экин майдонлари бўларди. Бинобарин, мавзёлар ҳам шаҳар даҳалари ўртасида табиий равишда тақсимланган. Масалан, Шайхонтоҳур даҳасига 37 маҳалла ва 31 мавзё, Себор даҳасига 38 маҳалла ва 43 мавзё, Кўча даҳасига 37 маҳалла ва 31 мавзё, Бешёғоч даҳасига 42 маҳалла ва 29 мавзё кирган эди. XIX асрнинг охирида Тошкентдаги маҳалла ва гузарлар сон 200 тага кўпайди. Қуйида мазкур маҳаллалардан айримларининг номларини келтириб ўтамиз:

Шайхонтоҳур даҳаси бўйи: Оқмасжид, Олмазор, Орқакўча, Баландмасжид, Говкуш, Дархон, Дегрез, Жангоҳ, Жарқўча, Қозикўча, Мерган, Ча, Падаркуш, Хадра, Шайхонванд Тоҳур, Шўртпа — ва мавзёлардан Бўзариқ, Оққўрғон, Дархонариқ, Қўчи, Мингўриқ, Миробод, Соршўл, Шўртпа, Ялангоҳ, Шивил... Себор даҳаси бўйи.

қур қишлоқ, Сарничи тепа, Шайх Зайноддин бобо, мавзёлари: Оқтепа, Очаобод (Ачаов), Беговор, Бешқайрағоч, Нодиржон қулоғи, Нодиржон қулоғи, Тунторғай, Тошкенттепа (ёки Чоштепа), Учтепа, Хотинкўприқ, Чимбой, Шофайзи Қулоқ ва ҳоказо. XVIII асрнинг охирида Шайхонтоҳур даҳасининг ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, Тошкентда феодал тарқоқликка чек қўйди. XIX асрнинг ўрталарида Тошкент Осиёнинг бошқа шаҳарлари сингари феодал шаҳар эди. Аҳолисининг ақсарияти қисман маданийлик, савдо-сотиқ ва деҳқончилик билан шуғулланарди. Хунариқлар асосан маҳаллардан бўйича ихтисослашган. Масалан, Пичоқчилик, Дегрезлик, Мисгарлик сингари маҳалла номлари шу залда вужудга келган. 1868 йилги маълумотларга кўра, Охунгузар, Парчабоф ва Жангоҳ маҳаллаларининг аҳолиси савдо-сотиқ билан машғул бўлишган. Тахтапул, Себор, Лабақ, Қорасарой аҳолиси эса асосан деҳқончилик қилишар эди. Шайхонтоҳур даҳасида мисгар, эгарчилик, тикувчилик, жувозанлар яшар, Себор даҳаси-

да бўёқчилар, тикувчилик, этиқдўлар, Бешёғоч атрафларида эса гишт қувончилик истикомат қилишар эди. XX аср бошларида келиб ўлкада пахтачиликнинг ривожланиши натижасида бир қатор энгил саноат корхоналари ва темир йўл қурилди. Аваналдан аталиб келадиган тарихий жойларнинг номи йўқ бўлиб кетилди. Бу ҳақда «Тошкент оқшоми» газетасида бир қатор мақолалар чоп этилди. Ҳақиқатан, пойтахтининг тарихи учун муҳим бўлган ва унинг 2000 йиллик ўтмишини даволат берувчи Оқлон, Чорсу, Лабақ, Ўрда, Хадра, Кўча, Самарқанд дарбоза, Эскиқўва, Қўшут, Дархон, Чақар, Бешёғоч каби номлар сақланиб қолмас, келажак авлод учун, Тошкентнинг ўтмиш тарихини билан қизиқувчилар учун гоат яхши бўлур эди. М. ЮНСУЖАВВА, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номи Шайхонтоҳур институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати. Т. ФАИЗИЕВ, институтнинг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати. У. МИРИСМОНОВА, институтнинг илмий ходими.

алардан ҳам вакиллар келиб ижодий бахсларда, кўриқларда қатнашмоқдалар. Тошкент фестиваллари бўлиб қолди. У иқтилобий воқеалар гувоҳи, социал ўзгаришлар туфайли ўсиб-ўлғайган, камол толган кўча ва хамши навиқрон шаҳар. Бу шаҳарда уч ижод даргоҳи—«Ўзбекфильм», «Ўзбекфильм» ҳамда Ўзбеки-

тон ҳужжатли, илмий-оммабоп ва хроникал фильмлар студиялари ишлаб турибди. Бугун биз «Оловли йўллар», «Донишманднинг йилиги», «Алибобо ва қирқ қароқчи сергузашлари», «107 инструкция бўйича тўнтериш» каби бадиий ва телевизион фильмлар «Афғонистон, иқтилоб давом этеди», «Паранжа», «Дард» каби ҳужжатли ленталар совиранга сазовор бўлаётганини, Тошкент студияларининг доврнинг оламга таратаётганини қайд қилар эканмиз, партия ва ҳукуматимиз шаҳримизда кино ишларини йўлга қўйиш ҳақида хамшига қўйиб қилиб келаятганини, студиялар қудратли техника билан, ижодкор кадрлар билан таъминланганини фохр билан тилга оламиз. 1931 йилнинг 11—14 май кунлари Тошкент ажайиб воқеанинг шох-

азозларига кўпбал хатлар ёздилар... Иқтилоб пост-бонларининг жанговар ҳаётини ҳаққоний тасвирлаган овозли фильм «Человек» биринчи нусхаси 1935 йилнинг баҳор кунлари 250 марта кетма-кет намойиш этилиб 188 минг томошобин диктатини тортган. Тошкентда машур киноленталар — биринчи ўзбек овозли бадиий фильми «Касам» (1936), биринчи ўзбек кино-медияси «Насриддин Бухорода» (1943), биринчи ўзбек тарихий-био-

тазанов 1942 йили «Насриддин Бухорода» комедияси суратга олиши ҳақида шундай деган эди: «Энди фильмни кўйиш масаласи узиликке шай ҳал бўлганда, мен бу асрнинг Тошкентда яратиш учун қатъийлик билан киришганининг сабабини айтиб берай... Биринчилик, бу фронт ва фронт орқасидегилар ҳордиқ чиқаришига ердан берадиган асар яратган бўламай, иккинчилик эса бу асар Тошкентда ўзбек калхи ҳаётини ҳақиқатан тасвирлайди...»

Бугунги кунда Тошкент ҳақиқий кино марказига айланиб қолганида, экранимиз доврungi оламга таралишида биз тилга олган санъат ар-боблари, улар яратган фильмларининг аҳамияти катта. Шу аниқланган бугун давом этмоқда, бўйиммоқда. Тошкент студияларининг коллективлари Москва ва Душанбе, Хиндистон ва Югославия, Болгария санъаткор-


лари билан ҳамкорликда бугунги томошобинга ҳар жиҳатдан манзур бўладиган баркамол кино асарлар яратишмоқда.

Х. АКБАРОВ, киношунос.

Редактор Ш.О.УБАРДУЛЛАЕВ

3 Тошкент Оқшоми 7 СЕНТЯБРЬ, 1983 г.

ҲАЗРАТИ ОЛИЙ ИШЧИЛАР СИНФИ ЎЗ САФИГА ЧОРЛАЙДИ СИЗНИ



Бизнинг мамлакатимизда пахтадан бениҳоя кўп ҳосил олинади, булулларга буй чўзган улкан пахта тоғлари бизда барпо этилади. Бироқ, пахта толасига бўлган эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда. Бир эмас, икки эмас, бир неча миллион тонна «оқ олтин» хирмонини фақат қўл кучи билан экиш, йиғиб-териб олиш, қайта ишлаш амалда бажариб бўлмайдиган мушкул иш, албатта. Машаққатли пахтакор меҳнати булунги кунда машиналар зиммасига юклатилган...


ҲОЗИР ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЖАМИ МАШИНАСОЗЛИК МАҲСУЛОТИНИНГ БЕШДАН БИР ҚИСМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ПАХТА ТЕРИШ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ УЧУН РЕДУКТОРЛАР, УЗЕЛЛАР ВА ДЕТАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ «СОЮЗМАШ-ХЛОПКОВОДСТВО» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИНИНГ ЙИРИК ҚОРХОНАЛАРИ ОРАСИДА ЕТАКЧИ ҲУРИН ЭГАЛЛАЙДИ.

Юқори самарали комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ва тараққиёт жараёни машина-созлик ихтисосларини эгаллаган ишчилар армиясини мунтазам тарзда тўлдириб боришни тақозо этади.

Азиз дўстим! Сен муқаддас пахта толаси учун бўлган курашга ҳиссанини қўшишни ҳар бир киши ўз бурчи деб биладиган ўлкада — Ўзбекистонда яшайсан.

Сенинг Тошкент агрегат заводидаги меҳнатинг бутун жаҳон бўйлаб ишлаётган совет пахта териш машиналарида терилган «оқ олтин»нинг ҳар бир килограммида зарҳал ҳарфлар билан битилган бўлади.

САЙҚАЛ БЕРУВЧИ



Касб ҳақида икки оғиз сўз. Сайқал берувчи ясси, думалоқ ва марказсиз-сайқаллаш, ярим автомат ва автомат станокларда ишлайди. У вал, подшипникларнинг ҳалқаси, турбиналарнинг кураги, шестернялар, фрезаларнинг калибрлари ва бошқа шу каби деталь ва асбобларнинг ички ва ташқи юзларини силдиқлайди, станоклар ва мосламаларга деталларни ўрнатади, сайқаллаш доираларини тўғрилайди, станокларни созлайди ва зарур ҳисоб-китобларни бажаради.

Иш жараёнида қуйдагиларни билиб оласиз: сайқаллаш станокларини қўлда бошқариш қоидалари, ишлов берилаётган материалнинг асосий физика-механикавий хоссалари, ишлов бериш усуллари ва зарур тозаланиш ҳисобга олган ҳолда сайқаллаш доираларини танлаш мезони, ишлов берилаётган деталга пардоз беришнинг тозаланишга бўлган талаб, ишга тушириш ва ўрнатиш системаси, ишлов беришнинг тозаланиш ва аниқлик классиси, совутиш ва ёғлаш суюқликларининг вазифаси ва хоссалари, глубиномер, микромер, калибр, индикатор, оптик угломер ва микроскоп каби турли хил ўлчаш асбобларидан фойдаланиш.


Бу касб учун зарур хусусиятлар: сайқалловчи айнаница диққат-эйтиборли, ўткир кўз, қўл ҳаракатларини аниқ координациялаш, вақт сезгиси ва диққатини жамлаб билиш каби хусусиятлар соҳиб бўлмоғи керак.

ТОКАРЬ

Касб ҳақида икки оғиз сўз. Машинасозлик қорхоналарида бу металлларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш билан борлиқ бўлган энг кўп тарқалган касблардан биридир. Токарь турли хил моделдаги винт кесувчи-токарик станокларда ишлайди. У мос келадиган кесувчи асбоблардан резец (кескич), парма, развертка, метчик, зенкер ва мосламаларни танлаб олади ҳамда уларни ва ишлов берилаётган заготовкани станокка мустаҳкамлайди. Сўнгра қирқиш тезлигини режалаб олиб, турли форма, размер ва мақсадга мўлжалланган деталларни тайёрлайди.

Иш жараёнида қуйдагиларни билиб оласиз: кинематик схемалар ва ҳар хил типдаги токарик-винт кесувчи станокларнинг аниқлик даражасини текшириш қоидаларини, универсал ва махсус мосламаларнинг қўлланиш шартларини, контроль-ўлчов асбоблари ва асбобларни чархлаш усуллари, қирқувчи асбобни ўрнатиш, заготовкани мустаҳкамлаш йўллари ва ишлов берилаётган материалларни аниқ ўлчаш методларини, тушириш ва ўрнатиш системасини, ишлов беришнинг тозаланиш ва аниқлик классини, қўлланиладиган совутиш ва ёғлаш суюқликларининг хоссаларини:

Бу касб учун зарур хусусиятлар: кўриш-мотор координацияси, тайёрланаётган маҳсулот тўғрисидаги умумий тушунча, диққат-эйтиборни дарҳол бир нуқтага қарата билиш ва барқарорлик, вазмин характер, техникавий эҳди.



ЙИГУВЧИ-СЛЕСАРЬ

Касб ҳақида икки оғиз сўз. Айрим деталлар ва узеллар, станоклар, моторлар, турли хил машиналар ва механизмларни йиғиш-машинасозликдаги энг масъулиятли технологик операция ҳисобланади. Қўл ва механизациялаштирилган асбоб ёрдамида йиғувчи-слесарь маҳсулотларни текислайди, бирлаштиради, мустаҳкамлайди ва регулировка қилади, махсус стендларда ўзи йиғган узел ва агрегатларни синовдан ўтказиши, текшириш натижасида аниқланган бракни бартараф қилади.


Бу касб кашфётчилик ва ихтирочилик борасида ишчи кенг имконият яратади. Механика-йиғув ишлари слесарининг фаолият доираси яна шу жиҳатдан эйтиборга моликки, қуювчи, темирчи, разметкачи, токарь ва фрезерчи бошлаган ишни у ниҳоясига етказиши.

Иш жараёнида қуйдагиларни билиб оласиз: йиғилаётган буюмларнинг тузилиши, слесарлик ишлови ва йиғиш технологияси, регулировка қоидалари, иш ва ўлчаш асбобининг мақсади, ўрнатиш, тушириш ва йиғилаётган узеллар, механизмлар ва маҳсулотларнинг техникавий шартлари, металллар ва қотишмаларнинг хоссаларини фарқлай билиш, чизмаларни ўқишни.

Бу касб учун зарур хусусиятлар: йиғувчи-слесарга ўткир чамаловчи кўз, бақувват қўл, ривожланган умумий тасаввур сув билан ҳаводай зарур. Иш чидамликни, техникавий билимини, жисмоний куч, саранжом-сарийшталлик, ишга меҳр, умумий техникавий ва махсус тайёргарликни, схема ва чизмаларни осон ва тезлик билан ўқий олишни, ҳаракатларини яхши координациялаштиришни тақозо қилади.



ФРЕЗЕРЧИ



Касб ҳақида икки оғиз сўз. Замонавий машина-созлик саноатида фрезерчи касби етакчи касблардан бири ҳисобланади. У машинасозлик қорхоналарининг механика, ремонт-механика ва асбобсозлик цехларида ишлайди. Горизонтал, вертикал, нусха кўчирувчи, кўп шпинделли, универсал ва ихтисослашган фрезерлик станокларида у турли хил мураккаб деталларни жойлайди. Бунда у фрезерлаш учун зарур бўлган ҳисоб-китобларни бажаради, ишлов бериш жараёнининг изчиллигини ва қирқиш режимини аниқлайди, хизмат кўрсатилган ускуналарни созлайди. Шаблонларни қўллаган ҳолда чизмалар ва технологик карталар билан ишлайди.

Иш жараёнида қуйдагиларни билиб олади: фрезерлик станокларини созлаш ва уларнинг аниқлик даражасини текшириш қоидаларини, ишлов берилаётган материалнинг асосий механик хоссаларини, ишлов берилаётган деталларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва ўлчаш усуллари, оптимал қирқиш режимини аниқлаш қоидаларини, иссиқлик билан ишлов бериш қоидаларини, фрезаларни чархлаш ва маромига етказиш, ишга тушириш ва ўрнатиш системасини ишлов беришнинг белгиланган аниқлик ва тозаланиш даражасига етказишни.

Бу касб учун зарур хусусиятлар: ўткир кўз чамаси, ривожланган умумий тасаввур, диққат-эйтиборли, саранжом-сарийшталлик, қўл ҳаракатларини эйтиборни узоқ муддат бир нуқтада жамлаб тура билиш.

ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ ЭЛЕКТРОМОНТЁР

Касб ҳақида икки оғиз сўз. Электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёр ҳар хил тип ва системадаги электр машиналари ва электр аппаратларини қисмларга ажратади, капитал ремонтдан чиқаради, йиғади, ўрнатади, центровка қилади, ҳимоя қурилмаларидаги, автоматика ва телемеханика асбобларидаги нуқсонларни бартараф қилади ва созлайди, металлга ишлов берувчи ускуналар ва автомат линияларнинг электр қисм-

ларини созлайди ва ремонт қилади, аппаратура-ларни регулировка қилади ва приводларнинг бошқариш схемаларидаги носозликларни тўғрилайди, кабель тармоқларини монтаж, демонтаж ва ремонт қилади, юқори вольтли электр двигателларни капитал ремонтдан чиқаради.

Иш жараёнида қуйдагиларни билиб оласиз: электротехника ва телемеханика асослари, юқори ва паст кучланишдаги симларни алмаштириш, узайтириш ва туташтириш йўллари ва усуллари. Бино ичида, тупроқда ва осма тросларда кабель ўтказиш қоидалари, электр машиналари, аппаратлар ва асбобларини ремонт ва монтаж қилиш йўллари ва усуллари, электротехника материаллари номенклатураси, уларнинг хоссалари ва ўзаро ўрин алмашув хусусияти, кинематик ва электр схемалар, электр машиналари, ускуналар ва асбобларини текшириш ва синовдан ўтказиш усуллари, электр двигателларни центровкалаш ва баланслаштириш усуллари, контрол-ўлчов асбоблари ва инструментларини созлаш ва регулировка қилиш қоидалари, телебошқарув ва автоматик регулировка схемаси, электродвигатель, трансформатор, кабель ва бошқа хил симларга максимал иш ҳажми нормаси.


Бу касб учун зарур хусусиятлар: электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёрга қуйдаги талаблар қўйилади: саранжом-сарийшталлик, аниқ қўл ҳаракатлари, ўткир кўз, диққат-эйтибор, эҳтиёткорлик, интизомлик, топқирлик, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгараётган параметрларига тезкорлик билан муносабатда бўлиш, тезлик билан мустақил қарорга келиш. Мақсадга томон оғишмай ҳаракат қилиш, мустақиллик, дадиллик, ўзи тута билиш, сабр-тоқат.

РАДИАЛ-ПАРМАЛОВЧИ

Касб ҳақида икки оғиз сўз. Бу касбдаги ишчи вертикал-пармалаш ва радиал-пармалаш станокларида ёки электр ва пневматик дрепел ёрдамида деталларда тешикларни пармалайди, кенгайтиради. У ишлов беришнинг технологик изчиллигини ва қирқиш режимини аниқлайди, махсус станокларда бир вақтнинг ўзида ҳар хил диаметри кўп сонли тешикларни пармалайди, ҳар хил диаметрли резбаларни қирқади, универсал ва махсус мосламаларни қўллаган ҳолда станокларни созлаш ишини бажаради.

Иш жараёнида қуйдагиларни билиб оласиз: пармалаш станокларини созлаш ва аниқлигини текшириш қоидаларини, қирқувчи мосламаларни чархлаш, маромига етказиш ва ўрнатиш қоидаларини, ишлов берилаётган материалнинг асосий механик хоссаларини, совутиш ва ёғлаш суюқликларининг хусусиятларини, қирқиш элементлари ва турларини, ишга тушириш ва ўрнатиш системасини, ишлов беришнинг аниқлик ва тозаланиш классини.

Бу касб учун зарур хусусиятлар: радиал-пармаловчига ўткир кўз, эшитиш ва кўз билан чамалаш ҳам, аниқ ҳисобга ола билиш, вақт сезгиси ҳам, техникавий тасаввур, саранжом-сарийшталлик ҳам, ўзига бўлган ишонч ва виждонлилик ҳам бирдай зарур.



МЕҲНАТ ҲАҚИ

Токарь, фрезерчи, йиғувчи-слесарь ва сайқалловчиларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофотли усули қўлланилади. Иш ҳақи ички бригада принципига асосан меҳнат жараёнида ҳар бир ишчининг қатнашиш коэффициентига кўра тўланади. Радиал-пармаловчи ва электромонтёрларнинг меҳнатига вақтбай-мукофотли системада ҳақ тўланади.

КЕЛАЖАГИНГ

Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида тажриба ошириб, кўникма ҳосил қиласан. Махсус таълим олган, олий разрядли ишчи, участка мастери, пех мастери, инженер-техник ходим, бўлим бошлиғи бўлишинг мумкин.

КОЛЛЕКТИВНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЕТИ

Ишчи ва инженер-техник ходимларга ўқиш, малака ошириш, маданий ҳордиқ чиқариш, дам олиш, соғлиқларини мустаҳкамлаш учун барча шароитлар яратилган. Завод қошида замонавий ўқув комбинатлари билан жиҳозланган ишчи-ешлар мактаби, янги маданият саройида ижодий тўғарақлар мунтазам ишлайди, ишчиларнинг болалари ёзги каникулни Ангрэн яқинида, тоғ ёнбар-

ридаги пионер лагериде ўтказадилар; кичкинтойлар эса мактабга тарбия болалар муассасаларига жойлаштирилади; спорт-соғломлаштириш комплекси қурилиши тугалланмоқда. Заводга ҳар йили уй-жойга муҳтож бўлган ишчи оилалари учун 25 тадан 30 тагача квартира ажратилади. Завод ёшлари ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЗНИНГ СПРАВКА

Мабодо, танланган ихтисос юзасидан бирор савол туғулганда бўлса, профконсултация ва ёшларга касб-хунар танлаш кўмаклашиш кабинетиде меҳнат органларининг ходимларига ва бево-сита қишлоқ хўжалик машинасозлиги агрегат заводининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

САҲИФА МАТЕРИАЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ КОМИТЕТИНИНГ ЕШЛАР УЧУН КАСБ-ХУНАР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ ВА КАСБ-ХУНАР ТАНЛАШ КАБИНЕТИ ТОМОНИДАН «СОЮЗМАШ-ХЛОПКОВОДСТВО» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ БИЛАН ҲАМ-КОРЛИКДА ТАЙЕРЛАНГАН.